



Юраги Ватан ва халқ дарди, меҳру муҳаббати билан уриб турадиган, ўз сурати ва сийратида **МИЛЛАТ ШАВКАТИ** тимсолини тобора ёрқин ифода этиб бораётган Шавкат Мирзиёевдан биз, келажак авлод, қолаверса, тарих ҳали кўп нарсани ўрганиши, сабоқ чиқаришига ўзида кучли эҳтиёж сезишига мен тўлиқ ишонаман.

МИЛЛАТ ШАВКАТИ

И Самарқанднинг ўтмиши – ниҳоятда қадимий. Аммо бу кентни ўз салтанатига марказ қилган, унинг улўвор ва шарафли тарихида ўчмас из қолдирган, шаҳарнинг салобатига салобат қўшган ҳукмдорлар кўп эмас. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ялангтўш Баҳодир... Бу номлар бизгача бўлган минг йилликни тамсил этади, холос. Ҳолбуки, шаҳарнинг таваллудидан бир неча ўн асрлар нарина бориб тақалади.

Бундан тақрибан уч минг йиллар олдин ҳам бу ерда маданият ва санъат, илму маърифат гуллаб яшнаган, ўз чиройи ва латофати билан инсоният тафаккурига нур бериб турган. Хусусан, милoddан аввалги IV асрда Самарқандни эгаллаган Искандар Мақдуни (Александр Македонский) нинг «...У мен эшитганимдан ҳам гўзалроқ экан» деган иқрори тарихий манбалардан яхши маълум. Ўз даврида дунёнинг маданий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий таянчларидан бири бўлган Самарқанд нафақат «ер юзининг сайқали», балки замонлар оша дунё тартибини белгилловчи қудрат (держав) пойтахти ҳам бўлган.

Бироқ бу муаззам кентнинг ҳаёти доим ҳам равоон кечмаган. Соҳибқирон Амир Темур, сўнг унинг набираси Мирзо Улуғбек даври, яна икки аср ўтиб, XVII асрнинг биринчи ярмида (ўша вақтда Самарқанд Аштархонийлар сулоласи ҳукмрон бўлган Бухоро хонлиги тасарруфида бўлган) ҳоким Ялангтўш Баҳодир замонларида гуллаб-яшнагани мазмундан маълум. Аммо муррихлар ундан кейинги паллалар ҳақида кўп сўзламайдилар. Бунинг сабаби оддий: чунки ундан сўнг шаҳарнинг ўтмишида таназзул даври кечган... Кўп узоққа бориш шарт эмас. XIX–XX асрлардаги аввал Чор Россияси, кейин большевиклар босқинида у катта талафотлар қўрганини барчамиз яхши биламиз. «Тенглар ичра тенг» бўлган ёки истиқлол тонги отган илк йиллар ҳам кўҳна кент тарихида таъсирчан аҳамият касб этмади.

Совет ҳокимиятининг Самарқанддан қўзлаган мақсади анча устакорлик билан ўйлаб топилганди: мустабид идеология шаҳар харобалари ва ўтмишини кўз-кўз қилиш орқали даҳрий ва репрессив империяни Ислом ва Шарқ маданияти ҳомийси сифатида тақдим этиш, ундан умумтарих ва қадриятлар витринаси – мультикультурализм, яъни советча тенглик ҳамда барги-

кенгликни қўрсаатиш учун фойдаланарди. Мустақилликдан кейин бу қадимий кентга бўлган эътибор бошқа томонга оғди. Энди унга кўпроқ ўзликни топиш, руҳиятдаги посттоталитар ҳолатни деформациялаш учун қўлланиладиган восита ўлароқ ёндашила бошланди. Тўғри, айни янгиланишларни шунчаки формал ўзгаришлар эди, дейиш адолатдан бўлмайди. Чунки обидалар, қадамжолар, меъморий ёдгорликларни тиклаш ва обод қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Аммо бу ҳаракатлар шаҳарнинг қадимий шухратини тиклаш ва энг муҳими, унинг асрий руҳиятини қайта уйғотишдек қудратни намоён эта олмади.

Нега? Чунки истак ва ҳаракат қанчалик самимий ва қўламли бўлмасин, уларда шаҳарнинг тарихий хотираси ва моҳиятини тўлиқ тиклаш учун зарур бўлган ички мазмун ва уйғунлик етишмади. Жўнгина айтганда, шонли ўтмиши, маънавий идентлиги унга «тарих иконаси» сифатида қарашдек узоқ йиллар онгимизда шакланган гламур тасаввурлар соясида қолди.

Аслида Самарқандни тушуниш, жуғрофий аҳамиятини аниқлаб олиш ўта муҳим эди. Нега десангиз, бу кўҳна замин фақат мозий осори-атиқаларига эмас, балки унинг бағрида минг йиллардан буён яшаб келаётган халқ учун ҳам ватан саналарди. Бунинг тўғри аниқлаш учун бизга хийла узоқ вақт керак бўлди.

Айни масалада фикр юритишни бир нафас кечиктириб, диққатимизни бугунги кунларга қайтарсак.

“Ўтаётган ўн йиллик Самарқанд ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Мен бугунги мақолада айни ўзгаришларни муфассал шарҳлаш фикридан йироқман. Зотан, шаҳарнинг ҳозирги қиёфаси, у ерда олиб борилган бунёдкорликлар ҳақида ҳаммамиз яхши биламиз.

Бир пайтлар Соҳибқироннинг қудратли салтанатига бошкент бўлган, оламни ўзига маҳлиё айлаган, хорижий сайёҳлар ва сиёсатчилар қадами узилмаган шаҳар бугун асл шавкатини тиклаётганини барчамиз сезиб турибмиз. Ҳеч муболагасиз айтиш-

мумкинки, узоқ танаффусдан сўнг у яна дунё сиёсатчилари, иқтисодчилари йиғилиб маслаҳатлашадиган халқаро дипломатия саҳнасига айланди. Келаётган хорижлик меҳмонлар, ҳатто, сайёҳлар оғзидан ҳам бир эътирофни кўп эшитиш мумкин бугун: «Самарқандга эртақлардаги, тарих китобларидаги жозибаси қайтибди!».

Энди айтиш, одамлардаги таассуротни янгилаш, замонлар юки монолитдай қуйиб қўйган стереотипларни парчалаш ўз-ўзидан бўлади, деб ўйлайсизми?! Иддаомиз бекорга эмас. Зотан, шаҳарнинг кўрқу таровати фақат беш-ўнта меъморий ёдгорлик билан ўлчанмайди. Қолаверса, «ўтмиш руҳи» тасаввури чечан гидларнинг марокли ҳикоялари орқали тўлиқ шакланмади, деб қараш ҳам унчалик тўғри эмас.

Қадим тароватни уйғотиш фақат бир амал – кўҳна деворлар, тупроқлар қаърида қўмилиб ётган маданий оҳангларгагина тан. Уларни ҳаракатга келтириш учун эса тарихий-руҳий ҳаёт қатламини қайта қўриб чиқиш талаб этиларди. Яъни нафақат шаҳар, балки бутун ён-агрофдаги маданий ҳаётни тубдан ўзгартириш, илмий тилда айтганда, жамият ҳаётини десоветизация – мустамакчиликнинг барча меросларидан тозалашни назарда тутарди. Ўз-ўзидан равшанки, бу катта масштабдаги юмуш эди. Шу маънода айтадиган бўлсак, Самарқанднинг қайта «оёққа туриши» осон кечди, деган одам адашади.

2001–2003 йилларда шу йўлдаги машаққатли меҳнатни мен ўз кўзим билан кўрганман. Айнан ўша йиллари Шавкат Миромонович Жиззахдан бу ерга ишга ўтган ва айни масъулиятнинг оғир юки у кишининг елкасига тушганди. Бугун баъзи давраларда ҳам хайрат, ҳам таажжуб билан «Янги ҳоким иш бошлаган кезларда оидора худудидан фалон машина чиқинди олиб чиққан экан», деган гаплар ҳам айни даврларга тегишли. Эшитган қулоққа гарчи лофга ўхшаб туюлса-да, ҳақиқатан ҳам, шундай бўлган. Бўлганда ҳам, у киши масалага кечиктириб бўлмас, энг муҳим юмушдек ёндашгани ҳозиргидек ёдимда. Ўшанда менинг ҳам «Шунча иш туриб, фаолиятни нега бундан бошлади?», дея ажабланган вақтим ҳам бўлган. Аммо кейин англадимки, бу ҳодиса нафақат ободончилик ҳаракати, балки узоқ йиллар эсдан чиққан, тузумлар ва сиёсатлар назаридан четда қолган, баъзан эса такаббурлик билан кўзга илмай қаралган руҳий янгиланиш сари солинган бир йўл экан.

Айни мулоҳазаларни қатъий айтишим-

нинг боиси бор, албатта. Чунки Шавкат Миромонович Тошкент ва Жиззахда бўлгани каби бу ерда ҳам ишни озодалик ва саришталикдан бошлаган эди. Эсимда, бутун вилоят бўйлаб бошланган ободонлаштириш ишлари нафақат худудларни, балки одамлар кўнглини ҳам ёритиб юборганди ўша кезларда.

Мавзу контексидан келиб чиқиб масалага фалсафийроқ ёндашадиган бўлсак, айни ўринда кўздан панада қолаётган мажозий маънони илғашимиз мумкин: Шавкат Мирзиёев ушбу ишга жазм қилар экан, ҳақи маънода афсонаю ривоятлар, зафар ва ғалабалар шавқи, шону шавкати чўкиб ётган қадимий ва буюк шаҳар бағрини ҳам қора ўтмиш ғуборларидан поклаётгандек эди. Ҳа, Самарқанднинг маънавий қиёфаси, руҳиятидаги юксалиш айнан шундай бошланганди, десам ҳеч ҳам адашмаган бўламан. Зотан, ҳар қандай буюк ишлар, улўворлик поклик пойдевори устига қурилади.

Баъзи давлатларга сафар қилган одамларнинг «аэропортданок ёмон ҳиддан нафасим бўғилиб қолди, кўчалардаги ахлат уюмларини кўриб, кўнглим айниди, кайфиятим бузилди», деганга ўхшаш ҳикояларини кўп бор эшитган бўлишимиз мумкин. Ҳа, аслида беписанд қарайдиганимиз озодалик шунчаки «рўзгорбоп» тушунча эмас, у руҳият кўзгуси, ички маданият ифодасидир.

Аслини олганда, Шавкат Мирзиёев сиёсий йўналишида мен айни устуворликни бундан анча илгари, уни таниган йилларимдаёқ сезганман. Ўтган асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллари бошида мамлакат сиёсий майдонида пайдо бўлган ёш йигит ҳаракатчанлиги, чечанлиги билан тезда кўпчиликнинг эътиборига тушганди.

Ўрни келганда бир мушоҳадам билан ўртоқлашиб ўтишим зарур, деб ўйлайман. Ўқиганларим ва ҳаёт тажрибамга таяниб аниқ айта оламankи, бу дунёда тасодифлар йўқ. Фикримни янада очиқроқ билдиради ёки омад, дея таърифлайдиган воқеалар замирида инсон англаб етмайдиган қонуниятлар борлигини эсга солиб туради.

Бўлмаса айтиш, Жиззахнинг олис бир

қишлоғида ўсган ёшгина йигит Олий советга депутат, пойтахтнинг марказий районларидан бирига ҳоким бўлади, деб ким ўйлаган ўша дамлар? Ҳолбуки, совет ва ундан кейинги дастлабки даврларда ҳам «шаҳарга фақат шаҳарликлар» деганга ўхшаш мутлақо асосиз, ёзилмаган қоида ҳукмрон эди.

Майли, расамади билан қуйироқда ҳали бунга вақт ажратамиз. Аслида бош мавзумиз Самарқанд, Шавкат Мирзиёевнинг айни вилоятдаги фаолияти тўғрисида эди. Бироқ гапнинг ўзани сал нарироққа, у киши ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб келган илк дамларга бурилиб кетди. Эҳтимол, бунда ҳам бир ҳикмат бордир. Зеро, моҳиятни аниқлаш учун, аввало, унинг замирига назар ташлаш лозим, дейишади-ку улўғларимиз.

II

Фавқулodда қобилиятли одамларга яшаш ва ишлаш ҳамма замонларда ҳам осон кечмаган. Масалан, ғайрат-шижоати, дунёқараш ва ғоялари жамиятдаги анъанавий тушунчалардан фарқ қиладиган, олмон файласуфи Иммануил Кант таъбири билан айтганда, одатдагидан илгорроқ «ақл» атрофни илҳомлантириш билан бирга, теварақдагиларда етарлича хавотир ҳам уйғотиши мутлақо бор гап. Бунга тарихий-сиёсий адабиётлардан кўп мисоллар келтириш мумкин. Бироқ, омадим шундаки, айни ҳодисани мен китоб ёки архив ҳужжатларида эмас, ўз ҳаётимда кўрганман.

У кишини ҳали институтда ишлаётган кезлариданок билардим. Чунки «горком»даги иш фаолиятим аввалига айнан қан ва ўқув муассасалари, кейин ҳам шунга яқин – мафқуравий йўналиш билан боғлиқ эди. Очиқ айтман, ўша кезлар ҳаракатчан, кўзидан ўт қақнаб турадиган, ўта тарбиялан ва ёшига нисбатан хийла мулоҳазали бу йигитга ортиқча эътибор бермаганман. Наздимда, у оддий бир олий ўқув юртининг илмий ходими, нари борса, навқирон педагог-зиёли эди. Унинг мен, қолаверса, шаҳар жамоатчилиги ва юқори элитанинг тасаввурларини тўзгитиб юборган, умумсиёсат саҳнасида Шавкат Миромонович, деган ҳар томонлама ҳурмат-эътиборга сазовор исм-шариф билан ҳисоблашиниға мажбур қилган даври 90-йиллар бошига тўғри келади.

2-3 >>>

Туркистон саммити: ўтмишдан келажакка юзланаётган туркий дунё

Бир пайтлар маърифат, савдо, илм-фан, тариқат ва маданият йўллари кесишган Туркистон шахрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг «Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш» мавзусидаги норасмий саммитида дата-марказлар, сунъий интеллект, рақамли йўлаklar, киберхавфсизлик, сунъий йўлдош мониторинги ва технологик интеграция ҳақида сўз борди.

Саммитнинг Туркистонда ўтиши чуқур рамзий маънога эга. Бу шаҳар – Хожа Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ туркий-ислом тафаккурининг руҳий томирлари мустаҳкам илдиз отган муқаддас макон. Яссавий туркий халқлар хотирасида халқона тилда маърифат сўзини айтган, инсон қалбини покликка чорлаган, ахлоқни ҳаёт мезонига айлантирган улугъ шоир, сўфий устоз сифатида яшайди. Шунинг учун саммит арафасида давлат раҳбарларининг Туркий цивилизация маркази пойдеворига капсула қўйиш маросимида қатнашгани алоҳида аҳамият касб этди. У туркий дунё ўз келажagini умумий хотира, маънавий мерос ва цивилизацион ўзлик асосида қурмоқчи эканини ифодалаб берди.

«Ўзла Туркистон шахри Буюк ипак йўлининг муҳим савдо ва маданият маркази ҳисобланган. Мазкур заминда улугъ аجدодимиз Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари мангу ором топган. Бу табарруқ кент биз учун, аввало, халқларимиз бўлиши ва ҳамжиҳатлигининг ёрқин тилмусолидир», деди Президентимизи Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитидаги нутқида.

Дунё можаролар, санкциялар, ахборот урушлари, ишончсизлик ва геосиёсий бўлинишлар гирдобига тортилаётган бир пайтда, давлатимиз раҳбари Яссавий меросига мурожаат қилар экан, сиёсатни яна одамийлик, ахлоқ ва маърифат мезонлари билан боғлашга интилди.

Зеро, маънавий устунлардан воз кечган технология инсониятга хизмат қилувчи воситадан уни кузатувчи ва бошқарувчи совуқ тизимга айланиши муқаррар. Амалий ташкилотчилик, институт ва тараққиёт дастурлари билан боғланмаган маънавият эса ҳаётни ўзгартира олмайди. Шунинг учун туркий дунё ғоя ва механизмдек икки қутча эҳтиёж сезмокда. Қалб ва маълумот, маърифат ва алгоритм, хотира ва технология бир-бирини тўлдиргандина янги тараққиёт модели пайдо бўлади.

Туркистон саммитининг фалсафий аҳамияти ҳам шунда. У ўтмишни келажак тилида англаш, маънавий меросни рақамли даврнинг стратегик манбасига айлантириш заруратини кун тартибига олиб чиқди.

Ўзбекистон омили: ташкилотни ўзгартирган бурилиш

ТДТ ҳақида гап кетганда, бир ҳақиқатни рўй-рост айтиш керак. Ўзбекистон ташкилот азсосига айлангач, туркий интеграциянинг мазмуни ҳам, қўлами ҳам ўзгарди. Ўзбекистон – Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шахрисабз, Термиз ва Хоразм каби жаҳон цивилизацияси бешикларини бирлаштирган мамлакат. Бу заминдан етишиб чиққан ал-Хоразмий, Беруний, Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Замахшарий, Алишер Навоий ва Мирзо Улугбек каби буюк мутафаккирлар туркий-ислом тафаккурининг интеллектуал харитасини белгилаб берган. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ТДТдаги иштироки ташкилотга тарихий ўзлик, маънавий қудрат ва бутунлик олиб кирган стратегик бурилишдир, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бундай сиёсий етук қарорда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий сиёсати ҳал қилувчи ўрин тутди. Президентимиз иқтидорга келгач, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ишончни тиклаш, мулоқотни кучайтириш ва муаммоларни музокара орқали ҳал қилиш йўлини танлади. Йиллар давомида тўпланиб қолган чегара, сув, транспорт, савдо, гуманитар алоқалар ва ўзаро ишонч масалалари босқичма-босқич очиқ муҳокама майдонига чиқди. Албатта, муаммолар бир зумда ҳал этилмади. Аммо минтақада шубҳа ўрнини мулоқот эгаллай бошлади, ёпик чегаралар орқали ажралган ҳудудларга одамлар, товарлар, хизматлар ва ғоялар ҳаракати қайта жонланди.

Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё сиёсий муҳитига шубҳа-ғумон ўрнига ишонч, ёпиклик ўрнига боғлиқлик, ҳавойи шиорлар ўрнига амалий механизмлардан иборат янгича ёндашув олиб кирди. Марказий Осиё давлатларининг яқин қўшничилик сиёсатида улкан самара берган мазкур ёндашув энди ТДТ доирасида ҳам янада кенгрок аҳамиятга эга бўлиб бормокда.

Ўзбекистон ТДТга Марказий Осиёда ишончли мулоқот яратиш тажрибасини, амалий интеграция маданиятини ва рақамли келажакка йўналтирилган прагматик кун тартибини олиб киряпти. Демак, мамлакатимизнинг роли география, аҳоли сони ёки цивилизацион мерос билангина изоҳланмайди. Ўзбекистон ТДТнинг амалий мейморларидан бирига айланапти.

Президентимиз ташаббуслари

Туркистон саммитида давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар ТДТнинг янги кун тартибига аниқлик киритди. Уларда умумий бирлик ҳақидаги одатий дипломатик таъкидлардан ташқари амалий мазмун, технологик йўналиш ва институционал ечимлар устуниги сезилиб турди.

Шавкат Мирзиёев сунъий интеллект соҳасида стратегик ҳамкорлик тармоғини шакллантириш, ягона рақамли макон яратиш, минтақавий дата-марказларни юқори тезликдаги алоқа каналлари билан боғлаш ҳамда «Рақамли туркий йўлак»ни барпо этиш каби муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Бу – ТДТ тараққиётидаги жиддий концептуал бурилиш. Узоқ вақт давомида туркий интеграция кун тартибида ўрта йўлак асосий ўрин эгаллаб келди. Унга Хитой, Марказий Осиё, Каспий, Кавказ ва Европани боғловчи транспорт йўлагى сифатида қаралди. Энди ушбу транс-



порт мантиғи рақамли боғлиқлик ғояси билан бойимокда. Ўрта йўлак юklar ва товарлар ҳаракатини таъминласа, «Рақамли туркий йўлак» маълумотлар, технологиялар, сунъий интеллект ечимлари ва рақамли хизматлар ҳаракатига йўл очади. Биринчиси темир йўл, порт, божхона ва логистика инфратузилмасига, иккинчиси дата-марказлар, оптик толали тармоқлар, киберхавфсизлик тизимлари, рақамли стандартлар ва тезкор маълумот алмашинувига асосланади.

XXI асрда рақамли бошқарув, тезкор маълумот алмашинуви ва ягона стандартларсиз темир йўллар ҳаракати секинлашади, логистика қимматлашади, божхона ва транзит жараёнлари ортиқча вақт талаб қилади. Мавжуд транспорт, энергетика ва алоқа инфратузилмасига таянмаган рақамли платформа эса ҳаётдан узилган лойиҳалигича қолиб кетади. Шунинг учун давлатимиз раҳбари тақлиф этаётган ёндашувда транспорт, маълумотлар оқими ва рақамли технологияларга ягона стратегик тизим сифатида қаралмокда.

Ўзбекистоннинг дата-марказлар яратишга йирик инвестициялар жалб этаётгани ҳам ана шу мантикий занжирнинг бир қисмидир. Мамлакатимиз ўзини тайёр технологияларни қабул қилувчи бозор сифатидагина кўрмайпти. У туркий дунёнинг рақамли инфратузилмасида муҳим марказлардан бири бўлишга интиляпти. Бу – янги авлоднинг катта даввоси. Унинг ортида жиддий иқтисодий асос, технологик эҳтиёж ва минтақавий рақобатга тайёргарлик турибди.

ТДТ мамлакатлари Технологик форумини Тошкентда ўтказиш ташаббуси шу стратегик йўналишнинг мантикий давоми десак, тўғри бўлади. У Ўзбекистон пойтахтини туркий дунёда сунъий интеллект, стартаплар, рақамли иқтисодиёт, кибербарқарорлик, венчур молиялаштириш ва таълим технологиялари бўйича янги ғоялар, амалий лойиҳалар ва сармоявий ташаббуслар туташадиган майдонга айлантириши мумкин.

ТДТнинг янги қудрат формуласи

Туркистон саммитидан сўнг ТДТнинг келажакдаги қудрат модели янада аниқроқ кўрина бошлади. Мазкур модель ҳарбий блоклар ёки кескин сиёсий қарама-қаршиликлар мантиғига асосланмаган. У ўзаро боғланган бир нечта стратегик устунга таянади.

Биринчи устун – география. ТДТ мамлакатлари Марказий Осиё, Кавказ, Онадўли, Каспий ҳавзаси ва Европа йўналишларини туташтирувчи ноёб ҳудудий камарда жойлашган. Бу макон Хитойдан Европада, Россиядан Жанубий Осиёга, Каспийдан Яқин Шарққа олиб борувчи йўллар, манфаатлар ва бозорлар кесишган майдондир.

Иккинчи устун – логистика. Ўрта йўлак, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли, Каспий йўналиши, Кавказ орқали Туркия ва Европа бозорларига чиқиш имкониятлари ТДТ мамлакатлари учун стратегик устунлик яратади.

Учинчи устун – рақамли инфратузилма. XXI асрда география ва логистика ўз-ўзидан устунилик бермайди. Дата-марказлар, сунъий интеллект, булутли технологиялар, киберхавфсизлик, рақамли божхона, Е-Permit, логистика платформалари ва маълумотлар алмашинуви ТДТнинг келажакдаги қиёфасини белгилайди.

Тўртинчи устун – инсон капиталы. Рақамли тараққиётни серверлар, кабелилар ва платформалар билангина қуриб бўлмайди. Унга билимий ёшлар, муҳандислар, IT мутахассислари, стартаплар, илмий марказлар ва замонавий таълим тизими керак. Шу маънода, Ўзбекистоннинг «Беш миллион сунъий интеллект етакчиси» дастури миллий лойиҳа доирасидан чиқиб, бутун туркий макон учун стратегик намуна бўла олади.

Бешинчи устун – маданий хотира. Тил, алифбо, умумий тарих, адабиёт, маънавий мерос ТДТга иқтисодий манфаатлар билан ўлчаб бўлмайдиган маънавий теранлик бахш этади. Бу теранлик тўғри йўналтирилса, ҳисётдан юқорироқ даражага кўтарилади – маданий суверенитет, ўзликини сақлаш ва рақамли даврда маънавий мустақиллик манбаига айланади.

Олтинчи устун – ўзаро ишончга асосланган дипломатия. Бу ерда Ўзбекистоннинг минтақавий тажрибаси

муҳим ўрин тутади. Чунки боғлиқликни темир йўл, автомобиль трассаси ёки интернет кабели бошлаб бериши мумкин, аммо уни ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик сақлаб қолади.

Демак, ТДТнинг келажакдаги қудрати – бирлик, тенглик ва ҳамжиҳатликда!

Ўрта ва рақамли йўлаklar

ТДТнинг қудрати, аввало, транспорт ва логистика пойдеворига боғлиқ. Хитой ва Европани Марказий Осиё, Каспий ҳавзаси ва Жанубий Кавказ орқали боғловчи Ўрта йўлак бутун Евроосиёнинг энг муҳим логистик йўналишларидан бири сифатида шаклланмокда. Унинг аҳамияти урушлар, санкциялар, глобал транспорт хавфлари ва давлатларнинг муқобил йўналишлар излашга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётган бир даврда янада кучаймокда.

Марказий Осиё учун транспорт стратегик эркинлик, ташқи бозорларга мустақил чиқиш ва геоиқтисодий манёвр имконияти масаласидир. Минтақа узоқ йиллар давомида чекланган йўналишлар ва совет давридан мерос қолган инфратузилма асосида ҳаракат қилди. Янги транспорт йўлаklари эса давлатларга савдо географиясини кенгайтириш, экспорт бозорларини диверсификация қилиш, харажатларни қисқартриш ва ташқи сиёсий мавқенин мустаҳкамлаш имконини беради.

Ўзбекистон учун бу йўналиш алоҳида стратегик аҳамиятга эга. Денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган мамлакатимиз учун ҳар бир янги йўлак ташқи дунёга очиладиган иқтисодий дарвозага тенг. Шунинг учун Президент Шавкат Мирзиёев Туркистон саммитида Ўрта йўлакни қурилаётган Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли билан боғлаш, божхона маълумотлари алмашинувини тўлиқ рақамлаштириш ва логистика жараёнларини соддалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Демак, рақамли йўлак Ўрта йўлакнинг «ақлли бошқарув тизими»га айланиши зарур. Темир йўл ва портлар юкнинг жисмоний ҳаракатини таъминлайди. Рақамли платформа эса бу ҳаракатга аниқлик, тезлик, хотира, назорат ва башорат қилиш имконини беради. XXI аср логистикасида айнан шу омиллар рақобат устунилигини таъминлайди.

Иқлим, сув ва сунъий йўлдошлар

Туркистон саммитида етарлича чуқур баҳоланиши лозим бўлган йўналишлардан бири иқлим ва экологик хавфсизлик масаласидир. Давлатимиз раҳбари ТДТ ҳузурида сунъий йўлдош маълумотларига асосланган иқлим хавфларини мониторинг қилиш тизимини яратиш ташаббусини илгари сурди. Бу тақлиф қурғокчиликни эрта аниқлаш, туپроқ деградациясини кузатиш, музликлар эриши жараёнини таҳлил қилиш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш каби амалий вазифаларни камраб олади. 2027 йилни ТДТ доирасида «Табиатни муҳофаза қилиш йили», деб эълон қилиш ғояси ҳам ушбу экологик кун тартибининг мантикий давоמידир.

Марказий Осиё учун бу мавзу бевосита ҳаёт сифати ва хавфсизлик билан боғлиқ. Сув тақчиллиги, иқлим ўзгариши, музликлар эриши, қурғокчилик ва туپроқ деградацияси далаалардаги ҳосил, уйдаги нон, электр станцияларидаги қувват, қишлоқ аҳолисининг даромади, ички миграция босими ва давлатлар ўртасидаги ишонч муҳитига таъсир қиладиган омиллардир. Бинобарин, экологик хавфсизлик ТДТ учун минтақавий барқарорлиқнинг асосий шартларидан бирига айланмокда.

Сунъий йўлдош маълумотлари, гидрологик таҳлиллар, иқлим моделлари, катта маълумотлар ва алгоритмлар қурғокчилик, сув тақчиллиги, ер деградацияси ҳамда табиий хавфларни олдиндан баҳолаш имконини беради. Лекин технологиянинг ўзи етарли эмас. У ишлаши учун давлатлар ўртасида ишончли маълумот алмашинуви бўлиши керак.

Шу нуқтада Шавкат Мирзиёев сиёсий услубининг муаммони яширмасдан кўрсатиш, таҳлил қилиш; таҳлил натижаларини ёпиқ ҳужжатлар ортида қолдирмасдан, шериклар билан муҳокама қилиш; муҳокамани эса амалий механизм, келишув ва қўшма ҳаракатга айлантириш каби жиҳатлари намоён бўлади. Иқлим хавфсизлиги учун бундай ёндашув жуда муҳим.

Киберхавфсизлик – янги чегара

Маълумотлар оқими, дата-марказлар, рақамли божхона, логистика платформалари ва сунъий интеллект тизимлари бир-бирига боғланган маконда хавфсизлик масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис давлатимиз раҳбарининг киберхавфсизлик ва рақамли инфратузилмани химоя қилиш бўйича Туркий альянс тузиш ташаббусини ТДТнинг рақамли кун тартибидаги табиий ва зарур қадам, дея баҳолаш зарур.

Банк тизимлари, энергетика тармоқлари, давлат реестрлари, транспорт платформалари, дата-марказлар, шахсий маълумотлар, ахборот тизимлари ва сунъий интеллект моделлари янги стратегик инфратузилмага айланди. Уларга қилинган киберхужум иқтисодиётни издан чиқариши, давлат хизматларини тўхтатиши, транспорт оқимини секинлаштириши ва жамиятда инқирозни келтириб чиқариши мумкин.

Киберхавфсизлик масаласи терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятчилик, ахборот манипуляцияси ва рақамли фирибгарликка қарши кураш билан ҳам узвий боғлиқ. Шу сабабли ТДТ доирасида махсус хизматлар, ташқи ишлар идоралари, рақамли технологиялар вазирликлари, академик марказлар ва хусусий сектор ўртасида тизимли ҳамкорлиқни кучайтириш зарур. Зеро, рақамли макон умумлашгани сари уни химоя қилиш масъулияти ҳам ортиб бораверади.

Сунъий интеллект: имконият билан хавф ўртасида

Сунъий интеллект бежиз саммит кун тартибидан ўрин олмади. У таълим, тиббиёт, давлат хизматлари, транспорт, логистика, қишлоқ ҳўжалиги, хавфсизлик ва медиа соҳаларида улкан имкониятлар эшигини очади. Аммо ҳар қандай катта технология каби у ҳам янги қарамликлар, хавф-хатарлар ва тенгсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Биринчи хавф – маълумотлар суверенитети. Рақамли даврда маълумот стратегик бойликдир. Агар давлатлар ўз маълумотларини сақлаш, қайта ишлаш ва химоя қилиш инфратузилмасига эга бўлмаса, улар ташқи платформалар, ташқи серверлар ва ташқи технологик қондаларга боғланиб қолади. Бу эса рақамли мустақиллиқни заифлаштиради.

Иккинчи хавф – туркий тиллар сунъий интеллект моделларида етарли ўрин эгалламаса, келажакда илм, таълим, бизнес, медиа ва технология соҳаларида уларнинг таъсир майдонни қисқаради.

Учинчи хавф – кадрлар етишмовчилиги. Сунъий интеллект бўйича катта мақсадлар қўйиш осон, лекин уларни амалга оширадиган муҳандислар, тадқиқотчилар, дастурчилар, маълумотлар таҳлилчилари, этика мутахассислари ва ҳуқуқшуносларсиз бу мақсадлар қоғозда қолиб кетади. Демак, ТДТ учун кадрлар тайёрлаш масаласи технологик кун тартибининг энг муҳим бўлинига айланиши керак.

Тўртинчи хавф – ахборот манипуляцияси. Сунъий интеллект сохта ахборот, сохта тасвирлар, сохта овозлар, автоматлашган тарғибот ва жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш имкониятларини кескин оширяпти. Бу хавфнинг олдини фақат техник воситалар билан олиб бўлмайди. У медиаасаводхонлик, ҳуқуқий химоя, масъулиятли журналистика ва технологик тайёрғарлиқни талаб қилади.

Бешинчи хавф – рақамли тенгсизлик. Агар сунъий интеллект имкониятлари фақат йирик шаҳарлар, катта компаниялар ва марказий институтлар атрофида тўпланса, жамият ичида тафовут чуқуurlашади. Шунинг учун сунъий интеллект сиёсати таълим, ҳудудий ривожланиш, ёшлар имкониятлари ва ижтимоий адолат билан боғланган ҳолда олиб борилиши зарур.

Хулоса

Туркистон декларацияси саммитнинг расмий натижаси сифатида ТДТнинг янги устувор йўналишларини белгилаб берди. Лекин саммитнинг энг муҳим натижаси ҳужжат матнидан ҳам кенгрок. У туркий дунё олдида бир-бирини тўлдирадиган рақамли трансформация, иқтисодий кооперация, транспорт боғлиқлиги, маданий мерос, ёшлар сиёсати, иқлимий барқарорлик ва киберхавфсизлик йўналишлари каби янги интеграция модели шаклланаётганини кўрсатди.

Асосий синов энди бошланади: ташкилот белгилаб олган йўналишлар соатдек ишлайдиган тизимга айландими? Бунинг учун нафақат яхши декларациялар, балки сиёсий ирода, бошқарув интизоми, молиявий ресурс, замонавий кадрлар, ҳуқуқий база, умумий рақамли стандартлар ва энг муҳими, давлатлар ва жамиятлар ўртасидаги ишонч талаб этилади.

Туркистон саммити ТДТ янги давр остонасида турганини кўрсатмокда. Агар унда илгари сурилган ташаббуслар қоғозда қолиб кетмаса, ТДТ янги Евроосиёнинг энг жозибали минтақавий форматларидан бирига айланади. Айнан шунинг учун ТДТнинг Туркистон саммити жуда муҳим. У туркий дунё ўтмиш билан фахрланиш босқичидан келажакни қуриш босқичига ўтаётганини яна бир бор намоён этди.

Жаҳонгир НАҲАHOV
«ISHONCH»

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади.
Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади.

Абу Наср Фаробий

Таҳлил

3–6 май кунлари ер юзининг сайқали сифатида эътироф этиладиган Самарқанд яна бир халқаро анжуманга мезбонлик қилди. Улуғ сиймолари, қадимий обидалари ҳамда бой ўтмиши билан шуҳрат қозонган ушбу шаҳарда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди.

«ЯШИЛ» ЭНЕРГИЯДАН СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГАЧА

Анжуманга 100 дан ортиқ давлатдан 4 мингдан зиёд экспертлар, шунингдек, хорижий ҳукуматлар, халқаро молия ташкилотлари, етакчи банклар ва компаниялар вакиллари жамланди. Дастлаб банк молиялаштирган иқтисодий ва ижтимоий лойиҳалар натижалари таҳлил қилинди. Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида юртимизда амалга оширилган қарийб 16 миллиард долларлик лойиҳаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Маблағларнинг асосий қисми қайта тикланувчи энергетика ва тураржойлар қурилишига йўналтирилгани айтилди. Бу эса аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ва иқтисодиётни кучайтиришга устуворлик берилаётганидан далолатдир. Тадбир давомида ОТБ ва Ўзбекистоннинг стратегик шериклик муносабатлари янада мустаҳкамланди. Хусусан, камбағалликни қисқартириш, инсон капиталини ривожлантириш, замонавий инфратузилмаларни барпо этиш каби масалалар бўйича аниқ режалар белгиланиб, жами қиймати 12 миллиард долларлик дастурлар имзоланди.

Анжуманда сўзга чиққан Президентимиз минтақа ҳамда мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, экологик барқарорликни таъминлашга оид қатор ғояларни илгари сурди. Жумладан, Осиё тараққиёт банки шафелигида ривожланаётган давлатлар учун сунъий интеллект қўламини оширишга қаратилган дастур ишлаб чиқиш, банкнинг Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги доирасида «Рақамли божхона ва логистика альянсини» ташкил этишни таклиф қилди.

Бу тақлифларнинг биринчиси таълим, тиббиёт, сув ҳўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, халқаро савдо каби соҳаларда сунъий идроннинг ўрни ортиб бораётгани билан асосланади. Иккинчиси Ғарб ва Шарқни боғлайдиган Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши билан боғлиқ. Мазкур йўл юк ташиш мuddатини 10 кунгача қисқартириб, йилгига 15 миллион тоннагача юк ташиш имконини беради. Бундан ташқари, давлатимиз етакчиси юртимиз банкнинг «Критик минералдан – ишлаб чиқаришга», «Осиё учун рақамли магистраль» дастурларига қўшилишга тайёр эканлигини билдирди.

Англаганингиздек, Президентимизнинг прагматик сиёсати натижасида дунёнинг ривожланган давлатлари, йирик молия муассасалари билан алоқаларимиз тобора кучаймоқда.

Анжуманда мамлакатимиз раҳбари тилга олган бир қатор маълумотлар барча юртдошларимизни бирдек гурурлантирди. Чунончи, сўнгги йилларда миллий иқтисодиётимизга 150 миллиард долларлик инвестиция киритилган ва минглаб корхоналар ишга туширилган, товар ва хизматлар экспорти 3 карра ўсган. Шунингдек, сунъий интеллект ҳаби ва дата марказлари, супер компьютер ва лабораторияларни яратиш чоралари қўрилаётгани, бу йўналишда 200 дан ортиқ лойиҳа устида ишланаётгани маълум қилинди. Ҳозирга қадар, 5 минг 600 мегаваттли шомал ва кўёш электр станциялари фаолияти йўлга қўйилиб, генерацияда «яшил» энергия ҳажми 30 фоизни ташкил этаётир. 2030 йилгача бу кўрсаткични 54 фоизга етказиш кўзда тутилаётир.

Тошкент ва Самарқандда эса келажақ металлари технопарки барпо этилмоқда. Критик металллар бўйича АҚШ, Хитой, Туркия каби давлатлар билан 1,6 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қисқаси, иқтисодиётимизда залворли ўзгаришлар рўй бермоқда.

Форумда банк билан келгуси 4 йил учун 12 миллиард долларлик шартнома имзолангани республикамизда қатор соҳаларнинг ривожланиш имкониятларини кенгайтиради. Шунга кўра, ушбу анжуман юртимиз иқтисодий ҳаётида энг берган энг муҳим воқеалардан бири бўлди, десак, адашмаймиз.

Нусуратулло ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Қиззах вилояти кенгаши раиси,
сенатор

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТ ҚАСБ ЭТАЁТГАН ЭНГ МУҲИМ Йўналишлардан бирига айланди. Аҳоли сонининг ўсиши, иқлим ўзгариши, сув ресурслари танқислиги, жаҳон бозоридаги беқарорлик ва импортга қарамлик давлатни бу соҳада мутлақо янги ёндашувларга ўтишга мажбур қилмоқда.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ишгириқода бўлиб ўтган йиғилишда озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини тубдан қайта ташкил этиш, янги кўмита ва агентликлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича берилган топшириқлар ана шу эътиёждан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган муҳим қарор бўлди.

Айниқса, «Даладан дастурхонгача» тамойили асосида ишлайдиган Озиқ-овқат махсулотли хавфсизлиги кўмитаси ташкил этилиши аграр соҳада янги босқич бошланаётганидан далолат беради. Эндиликда масала фақат махсулот этиштириш ёки бозорини тўлдириш билан чекланмайди. Аксинча, асосий эътибор махсулот сифати, хавфсизлиги, инсон саломатлиги ва бутун таъминот занжирини назорат қилишга қаратилади.

Шу пайтгача соҳадagi назорат тизими бир нечта идораларга бўлиниб кетган эди. Ўсимликлар карантини, ветеринария хизмати ва санитария-эпидемиология тизими алоҳида-алоҳида фаолият юритади. Шу боис кўн ҳолларда ва-

колатлар такрорланар, оқибатда тадбиркорлар ортиқча қоғозбозликка дуч келишарди. Шунингдек, импорт ва экспорт жараёнларида вақт йўқотиш ҳолатлари кузатилиб, махсулот сифати бўйича ягона назорат механизми тўлиқ шаклланмаганди. Янада ачинарлиси, тизим кўпрок жазолашга йўналтирилган бўлиб, хавфни олдиндан аниқлаш ва олдини олишга етарлича эътибор қаратилмасди.

Ташкил этилаётган янги кўмита тарқоқ тизимни бирлаштириш, жараёнларини марказлаштириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини ягона механизм асосида бошқаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

«Даладан дастурхонгача» тамойили эса озиқ-овқат хавфсизлигининг энг самарали моделларидан бири ҳисобланади. Бу ёндашув махсулот сифати ва хавфсизлигини фақат бозорда эмас, балки бутун ишлаб чиқариш занжирини давомида назорат қилишни назарда тутати. Яъни эндиликда уруғ сифати, ем-хашак хавфсизлиги, чорва парвариши, кимёвий воситалардан фойдаланиш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва

ҚАЛЪДА ҚУВОНЧ, ДИЛДА ШУКРОНА

мамлакатимиз ҳожилари шундай шукуҳда муборак сафарга отландилар



Йилдан йилга ўсиш

Тошкент халқаро аэропортида турли авиарейсларни кутиб ўтирган минглаб кишилар – бири Нью-Йоркка, бири Лондонга, бири Бокуга учмоқчи бўлган йўловчиларни кўриб хайёла беихтиёр шундай ўй келади: «Дунё давлатлари ўзбекистонликлар учун бир қадам бўлиб қолди. Фикримизни эса рақамлар намоён этади. 2025 йилда сайёҳлик мақсади билан хорижга чиққан ўзбекистонликлар сони 7,6 миллион киши бўлган, бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 22,2 фоизга ошган».

Уша кунни эса аэропорт Саудия Арабистонига отланган ватандошларимиз билан тўлган эди...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳнаомлигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида юртдошларимиз ислом дини фарз амалларини тўла-тўқис ва бекаму кўст адо этишмоқда. Бу йилги ҳаж сафарига отланганлар сафида давлатимиз раҳбари ғамхўрлигига биноан, яна 100 кишининг муборак заминга бепул юборилиши жуда катта тарихий воқеа бўлди. Бу хушхабар барча юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди. Бунақа ғамхўрлик ҳали бўлмаган!

– Шуниси қувончлики, 2025 йилда Саудия Арабистони ҳукумати Ўзбекистон учун 15 минг кишилиқ ҳаж квотани белгиллаган эди, – дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Зайниддин домла Ўшонкулов. – Бу сўнгги йилларда ҳаж сафарига борувчилар сони ошиб бораётганини кўрсатади. Ҳожилар 300 гуруҳга бўлиниб, ҳар бири учун битта элликбоши тайинланди. Квотанинг оширилгани, аввало, Ўзбекистонда иймон-эътиқоди мустаҳкам кишилар кўпаяётганини кўрсатади, айнаи пайтда бу Саудия Арабистони қироллиги билан дўстона алоқаларимиз тобора мустаҳкамланаётганининг ҳам ифодасидир. Мукаддас ибодатнинг ташкилий-ҳўжалик ишларига Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари, элликбошилар, дин улаомлари, матбуот, тиббиёт ҳодимлари жалб этилди. 2019 йилда бор-йўғи 7200 киши ушбу фарз амалини адо этиб қайтган эди. Жорий йилда ажратилган квота ҳам 15 минг кишини ташкил этмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, ҳудудлардаги вакилликлар томонидан энг зарурий ташкилий ишлар бажарилди. Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг турли минтақаларидан Мадина шаҳрига ўзбекистонлик зиёратчилар 2 майдан 18 майга қадар жўна-

тилди. Ҳамюртларимизни Мадина шаҳрига етказиш Саудия Арабистонининг «FlyAdeal» авиакомпанияси, она-Ватанимизга олиб келиш эса «Uzbekistan Airways» томонидан амалга оширилади.

МАДИНАИ МУНАВВАРАГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Гарчи умра зиёрати ва ҳаж ибодатининг асосий амаллари Макка шаҳри ва унинг атрофида адо этилса-да, сафарни Мадина шаҳридан бошлаш мусулмонлик одоби саналади. Чунки бу заминда башариятнинг сўнгги пайғамбарининг муборак қабрлари бор. Ҳар бир зиёратчининг у зот алайҳиссалом равларини, қадами етган кўтлуг жойларни зиёрат қилиши савоб амаллар сирасига қиради.

Зиёратчилар бу шаҳарда замонавий меҳмонхонада истикомат қилишади. Шароит бекаму кўст, ҳар бир хонада кийим жавони, ёзув столи, кондиционер ва музлатгич, қибла кўрсаткичи, жойнамоз, Қуръони Карим, телевизор бор. Фойе, лифт, хоналар кенг ва ёруғ. Тозалик-озодаликка масъулар хизматда. Мазкур меҳмонхонада Ўзбекистон ишчи гуруҳи штаби аъзолари бутун ташкилий жараёнининг рисоладгадек бўлиши учун 24 соат давомида хизматга шай туришади. У Масжиди Набавийнинг ёнида жойлашган бўлиб, ҳожилар беш маҳал намозни адо этиш, Равзаи шарифга кириш ва бир неча бор Расул алайҳиссаломга салом йўллаш имконига эга бўлишлари мумкин.

Мадинаи мунавварада уч кунлик зиёратни адо этган ҳожилар эҳром кийиб, аввал умра, сўнг ҳаж амалини адо этиш учун Маккаи мукаррамга йўл олади-лар. Бу шаҳарда ҳожиларимиз «Marmara», «Romance», «Al-Ayyam elite», «Concrete», «Abroj Dania», «Paradise», «Oren», «Ayved saha» меҳмонхоналари хизматидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Уларнинг таомланиши учун ошхона-ресторанда барча қўлайликлар яратилган. Ҳаж мавсумида бир вақтнинг ўзида миллионлаб зиёратчилар Макка ва Мадина шаҳарларига тўпланади. Саудия давлати Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиёратчиларнинг ўз давлатидаги эпидемиологик ҳолатини ҳисобга олиб, уларга мажбурий ва ихтиёрйи вакцина билан эмланиш талабини қўяди.

Зиёратчиларни Макка шаҳри кучоқ очиб, қарши олади. Улар тинч ва осойишта ётоқ жойи, транспорт, тиб-

Ҳидоят

биёт, ошхона хизматидан манфаат кўрибгина қолмай, тоат-ибодатни ўз вақтида, диний талаб ва таомилларга мувофиқ амалга ошириш имконига эга. Зиёратчилар эътиборига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари бошчилигидаги улаомларнинг ислом дини тарихи, фарз амаллар моҳияти, пайғамбаримиз ҳаёти, суннатлари, шариат аҳкомлари, мазҳаблар ва бошқа мавзудаги қизиқарли суҳбатлари ташкил этилади.

КЎХНА ХОРАЗМДАН САУДИЯ АРАБИСТОНИГА

Хоразм воҳаси кўхна тарихи, буюк алломалари, ўзига хос анъаналари билан Ўзбекистон харитасида муносиб ўрин эгаллайди. Ҳар йили воҳанинг юзлаб фуқаролари умра зиёрати ва ҳаж ибодатида бўлиб қайтадилар. Диний идоранинг вилоят вакиллари томонидан улар мукаддас қадамжоларни зиёрат қилиб қайтишлари учун зарурий тадбирлар амалга оширилади.

– 2025 йилда вилоятимиз маҳаллаларидан 685 киши ҳаж сафарига юборилиб, уларнинг барчаси эсон-омон ўз ибодатларини қилиб қайтди, – дея хикоя қилади вилоят бош имом-хатиби Хайрулла Абдуллаев. – Бу йилги ҳаж сафарига жўнатиш маросими ҳам уюшқоқлик билан ўтказилиб, Зулҳижжа ойининг ҳаж ибодати учун белгиланган кунларида барча ўзбекистонликлар қатори воҳамиз зиёратчилари ҳам аввал Мино, сўнгра Арофат, Муздалифа водийларига бориб, ўз элликбошилари бошчилигида фарз, вожиб ва суннат амалларини адо этишга киришдилар. Муборак ойнинг саккизинчи кунидан бошланган ибодат унинг ўн иккинчи кунига нихоясига етади. Элликбошилар томонидан ҳажнинг фарз, яъни эҳромга ният билан кириш, Арофат водийсида гуноҳлари учун тавба-тазарру қилиш, зиёрат тавофини бажаришга жиддий эътибор қаратилади.

БЕХАТАР ВА ЭСОН-ОМОН

Қашқадарё вилоятида умр бўйи ҳалол меҳнат билан умргузаронлик қилиб келаётган, ҳалол ризқ-насиба билан фарзанд аржумандларини вояга етказаятган, улар онига ўзбекона урф-одат ва қадриятлар моҳиятини чуқур синдиришга эришган кишилар истиқомат қилади. Улар орасидан иймони бут, матрифатли, диёнати 850 нафари ўтган йили ҳаж сафарига бўлиш имкониятини қўлга киритган эди. Яккабоғ ва Чироқчи туманлари вакилларига раҳбарлик қилган элликбоши Хуршид Шарипов шундай дейди:

– Бу йилги улуғ ибодатга ҳар иккала тумандан 146 киши жўнатилади. Айнаи вақтда улар барча юртдошларимиз қаторида ҳаж ибодатини адо этишмоқда.

ЯНГИ ТАРТИБДАН ХАВАРДОРМИСИЗ?

Янги Ўзбекистонда диний ислохотлар янги босқичга чиқиб бормоқда. Ҳар йилгидан фарқли ўлароқ, жорий йилда Саудия Арабистонига ҳаж ибодати учун отланаётган юртдошларимиз учун бир қатор енгиллик ва қўлайликлар яратилгани кўнончиликдир.

– Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 январда қабул қилинган «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги янги қарори кучга кирди, – дейди бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш маркази директори Мақсуд Каримов. – Ушбу ҳужжатда 2026 йил 1 февралдан бошлаб ҳаж тадбирига бориш учун фуқаролар уйдан чиқмай, ҳужжаб йиғмай ва турли идораларга бориб овора бўлмай, 24/7 режимида ишловчи «haj-umra.gov.uz» портали орқали рўйхатга ёзилиши мумкин. 1 майдан бошлаб эса умра зиёратига борувчи фуқаролар учун айнан шу порталга кириб, расмий лицензияси бўлган фирмани танилаш, тур-пакет нархи, мuddати ва шартлари билан танишиш имконияти яратилди. Бунда ҳеч қандай таниш-билишликка йўл қўйилмайди. Рўйхатга олинган кун, ҳаттоки дақиқа ҳам порталда кўриниб туради. Бу ҳақда зиёратчининг телефонига қабернома келади. Аввалги тартибга кўра, ҳаж сафарига қайтадан навбатга ёзилиш имконияти йўқ эди. Қарорнинг яна бир янглиги – энди ҳажга борган киши беш йил ўтгач, буюк ибодатни яна бир бор ўташига имкон берилмоқда.

Ҳулқар ТҶЙМАНОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Шарҳ

«Даладан дастурхонгача»: ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

замонавий бошқарувнинг муҳим унсури ҳисобланади. Албатта, бундай тизим тўлиқ ишлаши учун рақамли мониторинг, кучли лаборатория базаси, очиқ маълумотлар ва малакали кадрлар зарур. Шунинг учун ислохотларнинг кейинги босқичида айнан назорат сифати ва институционал самарадорлик ҳал қилувчи омилга айланади.

Йиғилишда чорвачилик соҳасига алоҳида урғу берилгани ҳам бежиз эмас. Чунки сўнгги йилларда озиқ-овқат бозорида гўшт ва бошқа махсулотларнинг қисқариши, ем-хашак танқислиги ва харажатларнинг ортиши соҳада янги ёндашувларни талаб қилаётган эди. Шу сабабли Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузурида Чорвачилик ва яйлов ҳўжалигини ривожлантириш агентлиги ташкил этилиши соҳани стратегик тармок сифатида ривожлантириш бўйича муҳим қадам бўлди.

Президентимиз томонидан келтирилган рақамлар ҳам соҳанинг катта салоҳиятини кўрсатади. Бугун мамлакатда 16,5 миллион бош қорамол, 30 миллион бош қўй ва эчки, 141 миллион бош парранда мавжуд. Бирок замонавий чорвачиликда асосий масала фақат сонни кўпайтириш эмас, балки самарадорлиқни оширишдан иборат. Чунки сув ресурслари чекланган, иқлим ўзгариши кучаймоқда, ем-хашак

етиштириш харажатлари ортиб бормоқда. Демак, соҳада юқори махсулдорлик, генетика, ветеринария, озуқа самарадорлиги, қайта ишлаш саноати ва логистика каби йўналишларга устувор аҳамият қаратиш зарур.

Сўнгги йилларда пандемия, геосиёсий зиддиятлар ва глобал инфляция дунёга бир ҳақиқатни англатди: озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар қандай давлатнинг стратегик барқарорлиги билан бевосита боғлиқ. Бинобарин, озиқ-овқат хавфсизлиги Ўзбекистон учун ҳам иқтисодий мустақиллик, ижтимоий барқарорлик, аҳоли саломатлиги ва ички бозор барқарорлигининг муҳим шарти ҳисобланади. Янги кўмита ва агентликлар ана шу улкан тизимни замонавий асосда бошқаришга қаратилган муҳим қадам сифатида баҳоламоқда.

Энг муҳими, бу ислохотлар давлат сиёсатида фақат махсулотнинг ҳажмига эмас, балки унинг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигига ҳам катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Инчунин, озиқ-овқат хавфсизлиги – бу фақат қишлоқ ҳўжалиги масаласи эмас, балки мамлакат иқтисодиёти, аҳоли саломатлиги ва келажақ тарақиёти билан боғлиқ стратегик масала ҳам саналади.

Ғўломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

ИНСОН ОМИЛИ – БОШ МЕЗОН

Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамиятида 2023–2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда корхона раҳбарияти, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари, меҳнат фахрийлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ҳамда делегатлар иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, ўтган йили комбинат тизимидаги барча корхона ва цехларда жамоа шартномасида белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилди.

Бугунги кунда комбинат Янги Ўзбекистоннинг стратегик аҳамиятга эга йирик sanoat мажмуаларидан бирига айланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари билан унда қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 16 март куни Президентимиз ташрифидан сўнг 3-Мис бойитиш фабрикаси расман ишга туширилди. Йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга ушбу мажмуа нафақат Марказий Осиёдаги, балки дунёдаги йирик мис бойитиш иншоотларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Лойиҳа мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, «мис кластери»ни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бултур комбинатда 51,7 триллион сўмлик товар ишлаб чиқа-



рилиб, режа 119,8 фоизга бажарилди. Айни пайтда корхонада 34 мингдан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда. Янги инвестиция лойиҳалари ва 3-Мис бойитиш фабрикаси ишга туширилиши муносабати билан қарийб икки мингта янги иш ўрни яратилди. Ҳисобот даврида жамоа шартномасига 10 та қўшимча ва ўзгартириш киритилиб, замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Натижада ҳар бир ходимга сарфланган маблағ ўртача 19 миллион 600 минг сўмга тўғри келди. Бу маблағлар иш ҳақи, қўшимча тўловлар, мукофотлар, овқатланиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва моддий ёрдам каби муҳим йўналишларга сарфланди.

Бугунги кунда комбинат касаба уюшмаси ўз сафига 46 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Бошланғич ташкилотлар эса 38 та. Шунингдек, қарийб 7 минг нафар пенсионер ҳам доимо уюшма эътиборида.

Ўтган даврда меҳнат шартномаларини бекор қилиш билан боғлиқ 147 та ҳолат қўриб чиқилиб, 80 нафар ходимнинг манфаати ҳимоя қилинди. Бу касаба уюшмасининг меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги таъсирини яққол намоён этди. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ҳам ҳамиша диққат марказида бўлди. Иш жойларида юзлаб ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Санитария ҳамда хавфсизлик талабларига риоя қилиниши устидан тизимли назорат амалга оширилди. Комбинат томонидан уюштирилган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари жамоада соғлом муҳит шаклланишига хизмат қилди.

Конференцияда 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги тахрирдаги жамоа шартномаси лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Унга меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат хавфсизлигини кучайтириш, қўшимча имтиёз-

лар бериш, дам олиш ва соғломлаштириш тизimini ривожлантиришга оид муҳим нормалар киритилган.

Жумладан, ишчи-ҳодимларга ижтимоий таътиллار бериш, зарарли меҳнат шaroитида ишловчиларга устамалар тўлаш, байрам ва дам олиш кунларидаги ишлар учун икки хисса ҳақ тўлаш каби кафолатлар сақлаб қолинди.

Иштирокчилар жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижросини қониқарли деб баҳолаб, 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномасини бир овоздан маъқулладилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири Маҳмуджон Исаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган ислохотларга тўхталиб, кейинги йилларда меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шaroитлари яратиш ҳамда ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Анжуман якунида келгуси йилларда ижтимоий шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, меҳнат хавфсизлигини кучайтириш, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни кенг жорий этиш ҳамда инсон манфаатларини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Феруза БОЗОРОВА,
ОКМК ходимлари касаба уюшмаси кенгаши расининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси

СОҒЛОМ ТАНДА – СИФАТЛИ ТАЪЛИМ

Тўрт йилдирки, мактаб ўқитувчилари орасида касаба уюшмалари кубоги учун «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида «Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида мусобақалар ўтказилмоқда.

Хўш, бу таълим сифати чиндан таъсир кўрсатаптими? Спартакиада жойларда қандай ташкил қилинмоқда? Ушбу саволларга Хоразм вилояти мисолида жавоб излаб кўрсак.

– Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида фуқаролар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланувчилар сонини кўпайтириш асосий йўналишлардан бири сифатида қайд этилган. Бугунги мусобақалар худди шу мақсадга хизмат қилгани боис, унда иштирок этиш истидагидагилар сони йил сайин ошиб бормоқда, – дейди Таълим ва фан ходимлари Касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова.

– Бу эса таълим соҳаси ходимлари ўртасида спортни оммалаштиришга, жамоавийлик ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, спартакиада илк бор ўтказилган 2023 йилда мусобақаларнинг биринчи босқичида 10500 нафарга яқин, иккинчи босқичда 1050 нафардан зиёд аъзолар ўзаро беллашган. Бу йил эса биринчи босқичда 17095 нафар, иккинчи босқичда 3200 нафар педагог-ҳодимлар иштирок этган. Вилоят босқичига шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган 416 нафардан зиёд спортсеварлар етиб келишди.

Ташкилотчилар бунимамлакатимизда соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилинаётгани, ўқитувчилар спорт билан мунтазам шугулланишининг фойдасини ўз ҳаёти мисолида ҳис этаётгани, беллашувлар адолат мезонларига таянган ҳолда ўтказилаётгани, қолаверса, ғолиблар муносиб тақдирланаётгани билан изоҳлашди. Жорий йилдан бошлаб, касаба уюшмалари кубоги учун бу туркум мусобақалар «Соғлом танда – сифатли тиббиёт» шиори остида тиббиёт ходимлари ўртасида ҳам ўтказила бошлагани спартакиада янада оммалашаётганидан далолатдир.

– Бугун педагоглар олдига янги вазифалар қўйилмоқда. Учинчи ренессанс бунёдкорларини тарбиялаш учун ўқитувчи ақлий, интеллектуал, маънавий сифатларга эга бўлишдан ташқари, жисмонан соғлом ва тетик бўлиши ҳам талаб этилади, – дейди вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон За-

рипов. – Касаба уюшмалари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилаётган ушбу мусобақалар нуфузли касб еталарининг жисмоний саломаатликларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Спартакиаданинг вилоят босқичида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева, вилоят Спорт бошқармаси бошлиғи Нодира Жуманиёзова ва бошқалар жамият тараққиётида, инсон ҳаётида спортнинг ўрнини эътироф этишди. Мусобақалар эса ҳар доимгидек муросасиз кечди.

2023 йилда Қўшқўпир, 2024 йилда Ҳазорасп тумани жамоаси касаба уюшмалари кубоги ва 30 миллион сўм билан тақдирланган бўлса, бу йил Ўргач шаҳри жамоаси иккинчи марта кубокни қўлга киритишди.

Мини-футбол, волейбол, шахмат, шашка, стол теннис бўйича аёллар ва эркеклар ўртасида 1-, 2-, 3-ўрин ғолиблари ҳам ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»



ХАВФСИЗ ИШ МУҲИТИНИНГ АСОСИ

Жиззах вилояти, Зомин туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик тарихи, Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини ҳамда «Яшил макон» умуммиллий дастури доирасида ўқув-семинар ўтказилди. Унда Ички ишлар вазирлигининг соҳавий экспертлари, ҳудудий вакиллари ҳамда бирлашган ва бошланғич касаба уюшмалари ходимлари иштирок этишди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси Ҳаётжон Шарипов сўзга чиқиб, 120 йиллик тарих, унинг шаклланиш босқичлари, ривожланиш жараёнлари ва бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган ислохотларга тўхталди. Шунингдек, ички ишлар ходимларини жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари

орқали ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Семинарда мутахассислар томонидан соғлом психологик-ижтимоий иш муҳитини шакллантириш, иш жойларида хавфсизликни таъминлаш, ходимлар соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда амалдаги талаб ва меъёрларга риоя этиш бўйича зарур тушунчалар берилди. Шу аснода меҳнатни муҳофаза қилиш, касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шаҳзодбек РАҲМОНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Меҳнат инспекцияси бош меҳнат техник инспектори

Бўстонлиқ туманининг Сойлиқ қишлоғи ҳудудида жойлашган «Heaven's Garden» оромгоҳида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида фаолият юритаётган Тошкент вилояти фермер хўжаликлари ҳудудий бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раислари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда 100 нафарга яқин етакчилар ҳамда масъуллар иштирок этдилар.

ЕТАКЧИЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

– Президентимиз касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувда касаба уюшмалари маҳаллаларгача кириб бориши кераклиги ҳақида топшириқ ва тавсиялар берганди, – деди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Эркин Бойниязов ўз нутқида. – Шунга мувофиқ, январь, февраль ва март ойларида республика бўйича қарийб 1 минг 800 та ҳудудда бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари тузилди ва уларда жамоа шартномалари қабул қилинди. Эндиликда мазкур ташкилотлар раисларини тизимнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари бўйича ўқитиш вазифаси турибди. Шунинг учун жойларда семинарлар ўтказилмоқда. Яна бир муҳим масала – айни пайтда ҳудуд раҳбарларининг қарийб 80 фоизи алоҳида хизмат хонасига эга эмас. Бу борада уларга амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳокимликларга тегишли кўрсатмалар берилган.

Таъкидланганидек, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ҳудудларда тузилган бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида «Энг илғор бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раиси» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Танлов 10 та шарт асосида ташкил этилиб, ғолиблар Саудия Арабистонида саёҳат йўлланмаси ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Савол-жавоб ва фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган ўқув-семинар якунида бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раисларига махсус сертификатлар топширилди.

Сайёра МИРЗАЯКУБОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

АЁЛЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

Фарғона вилоятида гендер тенглик ва хотин-қизлар манфаатларини таъминлашга қаратилган амалий ишлар изчил давом этмоқда. Ана шу эзгу мақсадлар доирасида Қувасой шаҳридаги «Аҳмад ал-Фарғоний» дам олиш уйида «Комплекс гендер ёндашув асосида давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудит ўтказишнинг тартиб-тамоийллари» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Тадбир давлат ва жамоат ташкилотларида тенг имкониятлар муҳитини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Унда давлат органлари ва ташкилотлари, касаба уюшмалари ходимлари, таълим ва ижтимоий соҳа вакиллари гендер тенгликни баҳолаш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш механизмлари ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Лолаҳон Аҳмедова ҳамда Фарғона давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Н.Алимованинг ижтимоий ҳимоя ва аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Мутахассислар томонидан меҳнат жамоаларида тенг имкониятларни таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқла-

рини ҳимоя қилиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида «Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида» шиори остида ўтказилган «Ташкилотларда гендер тенглик масаласида аёлларга яратилган шароит» кўрик-танлови ғолиблари ҳам тақдирланди.

– Менга танловда муваффақиятли қатнашиш насиб этди. Семинар ҳам жуда фойдали бўлди, – дейди Тошлоқ туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директори Насибхон Сайдматова. – Аёллар учун янада қулай меҳнат муҳитини яратиш бўйича муҳим билимларга эга бўлдик. Бундай мулоқотлар тажриба алмашиш ва янги ташаббусларни илгари суришда муҳим ўрин тутлади.

Саидхон НУРИДДИНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши Ижтимоий ҳимоя бўлими етакчи мутахассиси

Сўранг, жавоб берамиз

САВОЛ: Яқинда пенсияга чиқдим. II гуруҳ ногирониман. Эшитишимча, қонунларимизда айрим фуқаролар учун мулк солиғи бўйича имтиёзлар бор экан. Бу пенсионерлар ва ногиронлиги бор шахсларга ҳам тааллуқлими?

Гулсора ҒАНИЕВА
Сирдарё вилояти

ИМТИЁЗ БИЗГА ҲАМ АМАЛ ҚИЛАДИМИ?

ЖАВОБ: Амалдаги солиқ қонунчилигида муайян тоифадаги фуқаролар учун бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Унга мувофиқ, фуқаролар мулк солиғидан тўлиқ озод этилиши ёки улар учун бошқа турдаги солиқ имтиёзи белгила-ниши мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, уруш қатнашчилари ва уруш ногиронлари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева қолган турмуш ўртоқлари, қуёш панеллари ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатган фуқаролар – 3 йил муддатга, етим болалар – давлат томонидан берилган уй-жой бўйича 23 ёшгача кўчмас мулк солиғидан тўлиқ озод қилиниши белгиланган.

Бундан ташқари, кўп болали, яъни 10 нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор оилалар, I-II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда пенсионерлар учун 60 м² гача солиқ имтиёзи белгиланган. Масалан, пенсионерга тегишли кўчмас мулк, дейлик, хонадоннинг умумий майдони 110 м² бўлса, унинг 60 м² гача бўлган майдон учун солиқ олинмайди, қолган 50 м² майдони учун эса солиқ тўланиши лозим бўлади.

Юқорида санаб ўтилган солиқ имтиёзлари фақат битта кўчмас мулк объектига нисбатан қўлланилади, яъни солиқ имтиёзи татбиқ этилаётган шахснинг икки ёки ундан ортиқ кўчмас мулки мавжуд бўлса, имтиёз фақат биттасига қўлланилади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Билим – қайтариш ва такрорлаш мевасидир.
Абу Райҳон Беруний

ҚИЗ БОЛА ВОЯГА ЕТМАСДАН СОВЧИ КЕЛСА... ёхуд шошқалоқликнинг оқибати нима бўлади?

Айни кунларда авваллари олий ўқув юртлари дарвозаси олдида битирувчи талаба қизларни «овлаб юрадиган», «қулчиликка келдик», дея қўлларини кўксига қўйиб турадиган сер-тавозе совчилар энди мактаблар остоналарида ҳам пайдо бўлишди. Уларга қолса, бити-рув имтиҳонлари тезроқ тугаса-ю, ўзлари танлаган қизлар билан «узук тақди» маросимини дарҳол ўтказиб олишса...

Буни қарангки, 15-20 йиллар муқаддам қиз томон қўёвтўранинг уйини мебел-лар билан безаган, тўйдан кейин қирқ кунгача овқат ташиган бўлса, эндиликда қизларимизнинг ҳам «бозори» чаққонлашиб қолди. Энди куёв тараф ҳамма жиҳоз ва бу-юмларни ўзи олиб ва қудаларга кўрсатиб, «Бизга ҳеч нарса керак эмас, қизингизни бизга узатсангиз, бўлди», дейди.

Кейинги вақтларда қизларга таълим бе-риш ва уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳақида кўп гапирилмоқда. Аммо баъзи ҳу-дудларда ҳали мактабни тугатмаган қиз-ларга совчи қўйиш, барвақт турмушга чиқа-риш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бу жа-мийят келажакка дахлдор жиддий муаммо. Шу боис юртимизда аёлларни ҳар томон-лама қўллаб-қувватлашга, жумладан, таъ-

лим олиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Қонунчиликка биноан, Ўзбекистонда ни-коҳ ёши аёллар ва эркаклар учун 18 ёш этиб белгиланган. Шунга қарамай, айрим оила-ларда қизларни эрта турмушга бериш ҳолат-лари сақланиб қолмоқда. Бунга асосан ижти-моий қарашлар, иқтисодий қийинчиликлар ва «Тенги чиқса, текинга бер», «Қиз сақла-гунча туз сақла» қабилидаги эскича фикр-лашлар сабаб бўлмоқда. Қолаверса, кўпинча эрта никоҳ фақатгина ота-онанинг қарори эмас, ўзгаларнинг «Қиз бола ёши ўтиб, уйда ўтириб қолмасин!» деган қарашларининг оқибати бўлиши ҳам мумкин.

Психологларнинг таъкидлашларича, 16–17 ёшли қизлар оилавий ҳаётга руҳий жиҳат-дан тўлиқ тайёр бўлмайди. Чунки бу даврда

инсон шахси шаклланиш жараёнида бўлади. Оила масъулияти, фарзанд тарбияси ва тур-муш ташвишлари эса катта психологик бо-сим келтириб чиқариши мумкин.

– Турмушга эрта чиққан қизларда туш-кунлик, ички қўрқув ва ўзини намоён қила олмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Боиси, улар болаликдан катталар ҳаётига мажбуран ўтиб кетади, – дейди оилавий психологлар-дан бири.

Таълим соҳаси вакиллари эса яна бир сал-бий жиҳатга эътибор қаратишади: мактабни битирибоқ, оила қурган қизларнинг кейин-чалик олий таълим олиш имконияти кама-яди. Бу келажақда уларнинг иқтисодий мус-тақиллигига ҳам путур етказади.

БМТнинг аҳолишунослик ва болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлари ҳисоботларида ҳам эрта никоҳлар қизлар са-ломатлиги, таълими ва ижтимоий фаолли-гига салбий таъсир кўрсатиши қайд этил-ган. Шифокорларнинг ўқтиришларича, ор-ганизм тўлиқ шаклланмасдан ҳомиладор бўлиш ҳам она, ҳама бола учун хавф туғди-риши мумкин. Зеро, эрта турмушга чиққан

аёлларнинг 40 фоизида соғлиғи билан боғ-лиқ муаммолар қузатилган. Носоғлом она-дан эса соғлом фарзанд дунёга келиши даргумон.

Албатта, маҳалла, мактаб ва хо-тин-қизлар фаоллари бундай ҳолатлар-нинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Бироқ муаммо фақат назорат билан ҳал бўл-майди, балки муносабатни онгли ра-вишда ўзгартириш билан ҳал қилиш мумкин.

Сирасини айтганда, қиз боланинг тақ-дири фақат бир оиланинг шахсий иши эмас. У жамиятнинг эртанги кунни, жисмо-ний соғлом, интеллектуал салоҳиятли ав-лод тарбиячиси саналади. Бинобарин, қиз-ларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ва мустақил ҳаётга тайёр бўлиши ҳар қан-дай эрта турмуш қуришдан муҳимроқ эканлигини чуқур англаш ва шу асосда иш юритиш барчамизнинг бурчимиз-дир.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



Мулоҳаза



Шаҳарга шом чўккан. Марказдаги театр биноси одатдагидек ёруғ, аммо бу ёруғликда қандайдир сукут яширингандай. Кириш эшиги олдида ўтирган чипта текширувчи аёл олдидаги рўйхатга тез-тез кўз ташлаб кўяди, лекин нигоҳларида умидсизлик сезилиб туради. Гўё бугун ҳам зал тўлмаслигини олдиндан билгандек.

Бино ташқи томондан шу-куҳли, аммо ичкарида... Ичкарида саҳна тайёр. Чи-роқлар ёқилган, парда ортида ҳаяжон бор. Актёрлар гримхо-нада. Улардан бири ойнага тики-либ қолган, гўё ўз юзини эмас, балки бугун саҳнада яшаши ке-рак бўлган образни излаётган-дек. Бошқаси маттни секин-се-кин такрорлаб, ҳар бир сўзни ҳис қилишга уринади. Уларнинг ҳар бири бугун яна ким учундир яшашга тайёр, саҳнада ўзига хос бир ҳаётни яратишмоқда. Аммо уни кўрадиганлар сони қанча?

Залда ўн беш нафарга ақин томо-шабин. Орқа ўриндиқлар эса бўм-бўш. Бу бўшлиқ қандайдир маъна-вий камликин ҳам аниқлатарди.

Чироқлар ўчди. Спектакль бош-ланди...

Бу пайтда шаҳарнинг бошқа бир бурчагида бир йигит телефон экранига тикилиб ўтирибди. Қў-лида чой, аммо унинг таъмини сезмаётгандек. Бор эътибори теле-фон экраниди. Видеолар кетма-кет-лиги. Вақт ўтди, аммо у бунни сез-мади. Чунки унинг вақти энди соат билан эмас, экрандаги роликлар билан ўлчанади.

Бир пайт телефонга хабар келди. Дўсти ёзган эди: «Театрга бормаймизми? Янги спектакль қўйилапти». У ўйлаб ҳам кўрмади. Қисқа жавоб ёзди: «Кейинроқ. Ҳо-зир эмас». У бунни шунчаки ёзди. Ўйлаб ҳам ўтирмади. Чунки театр унинг учун аллақачон ўз аҳамия-тини йўқотган эди.

Аслида у ёмон инсон эмас. Ўқийди, ишлайди, режалари бор. Ўзига яраша орзулари ҳам бор. Ле-кин ўйлашдан, ҳис қилишдан узоқлашгандек...

Театр эса бошқача. У кутишга мажбур қилади. У савол беради, ўйлашни талаб қилади. Аммо йи-гит бунга тайёр эмас. У саволларни ёқтирмайди. Чунки савол инсонни безовта қилади. Савол кишини ўз оламига қарашга мажбур қилади. Бу эса осон эмас.

Саҳнада эса ҳаёт давом этаёт-ган эди. Актёрлар ўз ролини ижро этапти. Улар йиғлаяпти, куялпти, азоб чекапти. Бу фақат роль эмас. Бу инсон қалбидан чиққан ҳиссиёт.


Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Бугунги ёш авлод ҳаётни смарт-фон, планшет ва ноутбуксиз тасаввур қила олмайди. Эрталаб уйғонгани-дан то ухлашига қадар кўзи экранга қадалган. ТикТок, Instagram, Teler-рам, YouTube ва турли онлайн ўйин-лар – кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Бу ҳолат «рақамли қарамлик» деб аталадиган жиддий муаммони келтириб чиқармоқда.

Тадқиқотлар натижасида аниқлани-шча, 16–25 ёшдаги йигит-қизларнинг ижтимоий тармоқларга ўртача вақт сарфи кунига 5–7 соатга, баъзилари-ники 9–10 соатга тўғри келади.

Телефонсиз 1 соатдан ортиқ вақт ўт-каза олмайдиганлар 58, кечаси 23.00 дан кейин ижтимоий тармоқларда фаол бўладиганлар 64, телефон са-бабли ўқиш ёки иш вазифаларига етарлича вақт ажратмайдиганлар 47, «Телефоним қўлимда бўлмаса, нима-нидир ўтказиб юбораётгандек бўляп-ман» дейдиганлар 71 фоизни ташкил этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 15–24 ёшдагиларнинг 1,2 фоиздан ортиғи (тахминан 65–70 миллион нафари) мо-бил телефон ва ижтимоий тармоқларга мукнасида кетган. Ўсмирларнинг 78 фоизи смартфонларини ҳар соатда ка-мида бир марта текширади, 50 фоизи эса телефонга қарамлигини тан олади.



АСРНИНГ «КЎРИНМАС» КАСАЛЛИГИ

РАҚАМЛИ ҚАРАМЛИК
ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?

2018 йилда Жаҳон со-ғлиқни сақлаш ташки-лоти интернет ўйинла-рига қарамлиқни расман Халқаро касалликлар класси-фикациясининг 11-нашрига киритди. Бу шунчаки ёмон одат эмас, балки руҳий сало-матликка таъсир этувчи жид-дий хавф экани тан олинди.

Хўш, нега айнан ёшлар хавф остида?

Ўсмирлик ва ёшлик дав-рида мианинг рағбат ти-зими жуда фаол бўлади. Ижтимоий тармоқлардаги «лайк», изох, репост ва янги обуначилар кўпайиши на-тижасида бош миёда допа-мин – «бахт гормони» ишлаб чиқарилади. Ҳар бир билди-ришнома – кичик бир «муко-фот». Бу эса қарамлиқнинг физиологик механизмидир. Оқибатда смартфон билан бўлиш ёшлар учун ҳақиқий гиёҳванд моддага ўхшаш таъсир кўрсатади.

Калифорния универси-тети тадқиқотига кўра, ку-нига 5 соатдан ортиқ экранга қараб турган болалар ва ёшларда диққатни жамлаш қобилияти 40 фоизга пасая-ди, қисқа муддатли хотира 25–30 фоизга ёмонлашади, Эмпатия даражаси (бошқа-ларнинг ҳис-туйғуларини тушуниш) сезиларли дара-жада камаяди.

Ижтимоий тармоқлар-даги доимий янгилинишлар, «story»лар, жонли эфирлар ёшларда бошқаларнинг ҳаё-тидан орқада қолиш хавоти-рини келтириб чиқаради. Ўз навбатида, телефонга тез-тез қараш, ҳатто тунда уй-ғониб текширишгача олиб келади. Бундай ўсмирларда депрессия ва ташвишланиш 3 баравар кўп учрайди.

Кўнига 4 соатдан ортиқ ўйин ўйнайдиган болалар-нинг математика ва ўқиш саводхонлиги бўйича бал-ларни кунига 1 соат ўйнайди-ганларникига нисбатан 18 фоиз паст. Нурлар бола ор-ганизмига ҳам салбий таъ-сир кўрсатади. Хусусан, ку-рук кўз синдроми, қизил кўз миоипия (яқиндан кўрмас-лик) прогрессияси, бўйин ва бел оғриғи, умуртқа эгри-лиги, уйқусизлик, сурункали чарчок, иммунитет псайи-ши, тартибсиз овқатланиш, ортиқча вазн каби муам-моларни юзгага келтиради. Кечки 23:00 дан кейин смарт-

фон ёруғлиги мелатонин – уйқу гормони ишлаб чиқа-рилишини 50 фоизгача ка-майтиради. Бу эса ухлашни қийинлаштиради ва эрта-лабки тетиклиқни бузади.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Хўш, бу муаммога нисба-тан дунё миқёсида қан-дай чоралар кўрил-моқда? Ота-оналар фарзанд-ларини рақамли хавфдан қандай асрашмоқда?

Хитойда 2021 йилдан бошлаб 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларга он-лайн ўйин ўйнашга, жума, шанба, якшанба кунлари кечкурун 20:00 дан 21:00 гача рухсат берилган, қол-ман – «бахт гормони» ишлаб чиқарилади. Ҳар бир билди-ришнома – кичик бир «муко-фот». Бу эса қарамлиқнинг физиологик механизмидир. Оқибатда смартфон билан бўлиш ёшлар учун ҳақиқий гиёҳванд моддага ўхшаш таъсир кўрсатади.

Калифорния универси-тети тадқиқотига кўра, ку-нига 5 соатдан ортиқ экранга қараб турган болалар ва ёшларда диққатни жамлаш қобилияти 40 фоизга пасая-ди, қисқа муддатли хотира 25–30 фоизга ёмонлашади, Эмпатия даражаси (бошқа-ларнинг ҳис-туйғуларини тушуниш) сезиларли дара-жада камаяди.

Ижтимоий тармоқлар-даги доимий янгилинишлар, «story»лар, жонли эфирлар ёшларда бошқаларнинг ҳаё-тидан орқада қолиш хавоти-рини келтириб чиқаради. Ўз навбатида, телефонга тез-тез қараш, ҳатто тунда уй-ғониб текширишгача олиб келади. Бундай ўсмирларда депрессия ва ташвишланиш 3 баравар кўп учрайди.

Кўнига 4 соатдан ортиқ ўйин ўйнайдиган болалар-нинг математика ва ўқиш саводхонлиги бўйича бал-ларни кунига 1 соат ўйнайди-ганларникига нисбатан 18 фоиз паст. Нурлар бола ор-ганизмига ҳам салбий таъ-сир кўрсатади. Хусусан, ку-рук кўз синдроми, қизил кўз миоипия (яқиндан кўрмас-лик) прогрессияси, бўйин ва бел оғриғи, умуртқа эгри-лиги, уйқусизлик, сурункали чарчок, иммунитет псайи-ши, тартибсиз овқатланиш, ортиқча вазн каби муам-моларни юзгага келтиради. Кечки 23:00 дан кейин смарт-

МУАММОДАН
ҚАНДАЙ ҚУТУЛИШ
МУМКИН?

Психологлар, мутахас-сислар бу қарамлик-дан қутулиш юзаси-дан кўплаб тавсияларни бе-ришади. Қуйида улардан айримларини келтириб ўта-миз:

24 соат давомидида смарт-фон, планшет, компьютер (иш учун зарур бўлмаса), те-левизордан бутунлай воз ке-чиш. Эрталаб сайр қилиш

ёки енгил спорт, кундузи ки-тоб ўқиш, оила аъзолари би-лан стол ўйини, кечкурун дўстлар билан учрашиш, ке-часи эрта ухлаш. Шунда бир ой ичида диққатни жам-лаш қобилияти 20–30 фоизга ошиши мумкин.

Вақт чегарасини белги-ланг. Тармоқларга кунлик лимит қўйинг. Масалан, Instagram учун 45 дақиқа, ТикТок учун 30 дақиқа. 25 дақиқа иш/дарс, 5 дақиқа танаффус. Танаффус пай-тида телефонни текшир-манг. Ётоқхона, овқатланиш столи, хожатхонада теле-фонни умуман ишлатманг.

Телефонингизни «зе-рикарли» қилиб қўйинг. Рангли режимдан кулранг (грайссале) режимга ўтка-зинг. Телефон «жўшқин» кўринмайди, лайк ва бил-диришномалар жалб қил-майди. Яхшиши, уларни ўчи-ринг. Фақат кўнгирик ва ха-бар (смс, телеграм) керакли одамлардан бошқа ҳаммаси ўйиқ ҳолатда бўлгани маъ-қул. Ижтимоий тармоқ дас-турларини асосий экран-дан олиб ташланг, бир неча папка орқасига яширинг.

Реал ҳаётга қайтинг. Ҳар кунни 30–45 дақиқа югуриш, юриш, сузиш, фитнес би-лан шугулланинг. Жисмо-ний машқ эндорфин чиқа-ради ва қарамлиқни камай-тиради. Ойига 1–2 та китоб ўқишни одат қилинг. Улар босма бўлгани мақсадга му-вофиқ. Расм чизиш, мусиқий асбоб, тикувчилик, ёғоч ўй-макорлиги каби ҳунарларни ўрганинг.

Ухлашдан 1–2 соат олдин барча гаджетларни четга қўйинг. Бу вақтда илиқ душ, китоб ўқиш, оила билан суҳ-бат, кундалик ёзиш, медита-ция ёки нафас олиш машқла-рини бажаринг. Телефонин-гизни ётоқхонангизга олиб кирманг, бошқа хонада қол-дириг. Эрталабки уйғотиш кўнгириғи учун алоҳида соат ёки эски оддий телефондан фойдаланинг.

Агар сиз бугун «рақамли қарамлик» деб номланган бу «кўринмас касаллик»дан ўзингизни химоя қилсангиз, эртага соғлом, диққатли, му-лоқотга очик ва ҳаётда му-ваффақият қозонган инсон бўласиз.

Самира МАТКАРИМОВА,
Тошкент давлат
шарқшунослик
университети талабаси

